*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 сентябрь, чоршанба 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 171 (1173)

### Ўзбекистон — Грузия:

## ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН — ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ САРИ

### Президент Ислом Каримовнинг Грузия давлати бошлиғи, Грузия Парламенти Раиси Эдуард Шеварднадзе шарафига уюштирилган қабул маросимида сўзлаган нутқи

Муҳтарам Эдуард Амвросиевич!

Азиз дўстлар!

Биз Сизни, Эдуард Амвросиевич, Сиз бошқараётган Грузия давлат делегациясини Ўзбекистон диёрида улкан эҳтиром туйғуси билан қутлаймиз.

Сизнинг Ўзбекистонга илк ташрифингизга, суверен ва мустақил Грузия делегациясининг илк ташрифига ўзбек ва грузин халқларининг ўзаро ҳурмати, иккала давлатнинг дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга бўлган самимий истагининг бир кўриниши, деб қараймиз.

Грузин ва ўзбек халқларининг тарихий тақдирларида жуда кўп ўхшашлик бор. Бизнинг тарихимиз ва маданиятимиз жуда кўп қадимийдир, биз аждодларимиз анъаналари ва урф-одатларини муқаддас деб биламиз. Сизлар ҳам, бизлар ҳам ўз минтақаларимизда марказий ўринларни эгаллаб турибмиз.

Грузинлар ва ўзбекларнинг серҳосил ерлари, ер ости бойликлари асрлар мобайнида турли босқинчиларнинг кўзини ўйнатиб келган, аждодларимиз эса, доимо бу ерларни талончилардан ҳимоя қилиб келганлар.

Жаҳон маданиятининг улкан намояндалари орасида бизга тинчлик, бунёдкорлик, ватанга садоқатни васият қилиб қолдирган Шота Руставели ва Алишер Навоийнинг номлари алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда, ҳозирги қийин пайтларда ҳам бизнинг асосий ташвишимиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор барпо этишдан иборат.

Мен мана шу барча муҳим масалалар бўйича Грузия раҳбари жаноб Шеварднадзе билан тўла ҳамфикр эканимиздан хурсандман. Биз Эдуард Амвросиевични йирик давлат ва сиёсат арбоби, озод Грузиянинг ҳақиқий ватанпарвари, барча кучи ва улкан тажрибасини ўз халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган инсон сифатида биламиз.

Ишончим комилки, биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ҳолда қийинчиликларни тезроқ енгиб ўтамиз, давлатларимиз олдида турган мақсадларга тезроқ эришамиз. Ўзбекистон бу йўлда грузин қардошлари учун ҳар доим садоқатли дўст ва ишончли ҳамкор бўлиб қолади.

Ошкора суҳбат мобайнида биз МДҲ доирасида ҳам, кенг халқаро майдонда ҳам саъй-ҳаракатларимизни янада яхшироқ мувофиқлаштириш ҳақида келишувга эришдик.

Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги янги ўзаро муносабатларга асос бўлишига аминман.

Ҳозир Грузияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам халқларимиз ва давлатларимиз келажаги учун улкан аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бошланган ўзгартиш ва ислоҳотларнинг асосий мақсади халқларимиз учун яхши турмуш шароити яратиш, ҳар бир кишининг салоҳияти ва имкониятини тўла юзага чиқаришдан иборат.

Бу йўлда кўпгина мураккабликлар ҳам бор, албатта. Ислоҳотлар жараёни ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечмаган. Ўтмиш қолдиқлари, тафаккур қолоқлиги, эскича фикрлаш, ҳаммани тенглаштириш ва боқимандалик психологияси ва бошқа йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишимиз лозим.

Тарихан қисқа муддат ичида иқтисодиётда чуқур тузилма ўзгартишлари қилиш, бутун хўжаликни бозор иқтисодиёти йўлига ўтказиш учун чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш зарур.

Мана шу мураккаб вазифаларни ҳал қилишга киришар эканмиз, биз Ўзбекистон ўз шарт-шароит ва имкониятлари, халқимизнинг анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўз йўлидан боради, деган қарорга келдик.

Биз Ўзбекистон халқининг амалга оширилаётган ва ишончимиз комилки, барқарор тус олган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини мустақиллик йилларидаги саъй-ҳаракатларимизнинг энг муҳим якуни, деб биламиз.

Биз халқимиз, жамоатчилигимизнинг бундай мададини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим шарти, деб биламиз.

Очиғини айтаман: биз белгилаган туб ўзгартишларнинг моҳиятини Ўзбекистондан ташқарида дастлаб ҳамма ҳам бир хилда идрок этгани йўқ.

Шу ўринда буюк Шота Руставелининг: «Жангни ташқаридан кузатган ҳар қандай киши ўзини саркарда ҳисоблайди», деган сўзларини эслаш жоиздир. Бизга ақл ўргатмоқчи бўлганлар ҳам анчагина эди, бироқ биз ўз аҳдимизда қатъий турдик.

Бугун сохта камтарликларсиз айтиш мумкинки, «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели республикадан ташқарида тобора машҳур бўлиб бормоқда.

Биз асраб қолишга муваффақ бўлган энг катта бойлик — мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликдир. Уч йилча бурун жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини белгилаб берувчи мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. Янги парламент — Олий Мажлисга сайлов ўтказилди. Ҳақиқий кўп партиялилик пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда республикада 4 та сиёсий партия ва бир қанча жамоатчилик ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий ислоҳот ҳам ўтказилди. Қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, жамиятни демократиялашни чуқурлаштиришга, бозор ислоҳотларини сакрашлар ва фалаж қилувчи ҳолатларсиз тезлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий сиёсатда биз ижтимоий томонларни доимо ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни мунтазам равишда ошириб бориш, даромадларни индексация қилиш амалга оширилмоқда. Миллий валюта — сўм жорий қилинган бўлиб, у ҳозирнинг ўзидаёқ ички конвертацияга эга бўлди. Пул қадрсизланиши суръатлари мунтазам равишда ва изчиллик билан пасайиб бормоқда, давлат бюджети барқарорлик билан, деярли камоматсиз бажарилмоқда.

Иқтисодиёт тузилмасида ҳам чуқур ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз асосий тармоқлар — қишлоқ хўжалиги, ёнилғи-энергетика ва қазилма мажмуига, машинасозликка, енгил ва қайта ишлаш саноатига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана шу ва бошқа тармоқларга йирик давлат маблағлари ажратилган, салмоқли хорижий сармоялар жалб этилган. Бу бизга аста-секин, бироқ дадиллик билан илгариги, шўро салтанати давридаги хомашё ўсимтаси вазифасидан қутулиб, рақобатбардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришимизга имкон беради.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Биз муқаррар тус берган хусусийлаштириш ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Бу гапларни рақам ва далиллар билан исботлашга зарурат бўлмаса керак. Улар, азиз меҳмонлар, сизларга яхши маълум. Шуни айтиш кифояки, илгариги хўжалик алоқаларининг узилишидаги барча мураккабликлар ва бу мараккабликлар келтириб чиқарган салбий жараёнларга қарамай, МДҲдаги барча давлатларга нисбатан бизда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръати энг камдир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи йўқ. Биз нефт мустақиллиги арафасида турибмиз. Янаги йилда эса, ғалла мустақиллигига эришамиз. Бугунги кунда бутун республикада юзлаб янги замонавий корхоналар қурилмоқда.

Мен бугун таъкидламоқчи бўлган муҳим бир фикр: Ўзбекистонда ўтмишни қўмсаш йўқ. Халқимиз назари фақат келажакка, фақат олға қараган. Орқага қайтиш йўқ ва қайтилмайди ҳам.

***

Ислом Каримов ўз нутқини грузин халқига бахт-саодат ва равнақ, давлат бошлиғи Эдуард Шеварднадзега сиҳат-саломатлик ва муваффақият тилаш билан якунлади, Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

### ГРУЗИЯ ДАВЛАТ БОШЛИҒИ, ГРУЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ РАИСИ ЭДУАРД ШЕВАРДНАДЗЕ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Президент!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқларимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг илк бор гўзал мамлакатингизга ташриф буюриш шарафи муяссар бўлди. Мен қадрдон дўстим Президент Каримов билан биргаликда Ўзбекистон ва Грузиянинг қардош халқлари ўртасидаги бундан буёнги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини қўйиш имкони берилганидан бахтиёрман. Дастлабки танишган кунларимиздан бошлабоқ, Ислом Каримов менда узоқни кўрадиган ва ҳақиқий принципиал, фаолият миқёси бир мамлакат доирасига сиғмайдиган йирик давлат арбоби сифатида улкан таассурот қолдирганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Бизнинг алоқаларимиз қадимий ва қизиқарли тарихга эга. Улар асрлар қаърида туғилган эди. Ҳар биримиз қадимий диёрингизга қадам қўяр эканмиз, аждодларингизнинг саноқсиз авлодлари бунёд этган ва ардоқлаган буюк маданиятдан баҳраманд бўламиз. Бу ерда, Амударё билан Сирдарё ўртасидаги бепоён кенгликларда дунёда мисли йўқ деҳқончилик маданияти бунёд бўлган ва ривожланган. Бу ерда Бухоро ва Самарқанд меъморчилик дурдоналари қад кўтарган. Бу ерда дунёда тенги йўқ Алишер Навоий эзгулик ғояларини куйлаган. Биз — буюк Руставели авлодларига бу ғоялар айниқса яқин ва тушунарлидир.

Кўплаб йиллар давомида ўзбеклар ва грузинлар битта кўп миллатли давлат ҳудудида яшаган эди. Тарихнинг худди мана шу даврида халқларимиз ўртасидаги қардошларча алоқаларга асос қўйилган эди. Биз биргаликда меҳнат қилдик, маданий қадриятларимиз билан бир-биримизни бойитдик, жаҳон маданиятини офатдан қутқариш пайти келганида эса, ёнма-ён туриб жанг қилдик. Ундан кейин эса инсоният душмани — фашизм устидан қозонилган ғалабани биргаликда байрам қилдик. Буни унутиш мумкин эмас. Хотирага эга бўлмаган инсоннинг келажакка эга бўлишга ҳаққи йўқ. Биз ўтмишни эсда тутган ҳолда барча кучимизни халқларимизнинг бахтли келажагини таъминлашга сарфлашимиз лозим.

Афсуслар бўлсинким, биз биргаликда яшаган давлат умумий тарих ҳақидаги эсдаликлар билан бир қаторда ўта жиддий умумий муаммоларни ҳам мерос қилиб қолдирди. Бу муаммоларни қалин ҳамкорликсиз ҳал қилишимиз осон эмас. Мен шаклланиши ва оёққа туришида янги демократик Россиянинг асосий хизмати синган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида мамлакатларимизнинг иштирок этиши икки томонлама муносабатлар билан бир қаторда мана шундай ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароит яратиши ва биз ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўта олишимиздан астойдил умидворман.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ноёб тарихий тажрибаси, ўз тараққиёт йўли, бахт-саодатнинг ўзига хос шакли ва ифодаси, ўзига хос муаммолари ва эҳтимолки, бу муаммоларни бартараф этишнинг ўзига хос йўли ҳам бор, албатта. Биз Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбарияти танлаган йўлга катта эҳтиром билан қараймиз. Бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни алоҳида қайд этиш зарур, деб ҳисоблайман, ҳурматли Президент.

Мамлакатларимизга кўп ҳолларда бир-бирига ўхшаш муаммолар мерос бўлиб қолгани ҳақида гапирган эдим. Бироқ, бунга собиқ СССРнинг барча республикалари учун умумий бўлган ижтимоий ва иқтисодий касалликлар билан бир қаторда Грузия бошига кўпчилик янги давлатлар чап бериб ўта олган алоҳида синовлар тушганини ҳам қўшиб ўтишни истар эдим. Бу биринчи галда бир тўда ашаддий сепаратчилар бошлаган ва айрим ҳолларда ташқи реакцион кучлар қўллаб-қувватлаган этно-сиёсий зиддиятлар эди. Бу зиддиятлар натижасида Грузиянинг уч юз мингдан ошиқ фуқароси ўз юртида қувғиндига айланди. Фуқаролар уруши ва энергия танглиги эса, мамлакатнинг шусиз ҳам таназзулда ётган иқтисодиётини бутунлай вайрон қилиб ташлади.

Грузин халқи ўзини тубсиз чоҳга қулашдан тўхтатиб қолиб, кескин иқтисодий ислоҳотларни бошлаш ва қадам-бақадам янги давлатчилик асосини барпо қилишга ўзида куч топа олди. Биз сиёсий ва иқтисодий барқарорлаштириш ишида сезиларли натижаларга эришдик. Яқинда Грузия парламенти сиёсий кучларнинг қизғин мунозаралари ва ўзаро муросалари натижасида мамлакатнинг янги Конституциясини қабул қилди.

Бироқ, мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳаммага ҳам ёқаётгани йўқ. Тартиб йўқлигидан фойдаланиб, бойлик орттирган жиноий гуруҳлар қонун устиворлигини ўрнатишга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмоқда. 29 август куни Тбилисида содир бўлган террорчилик иши ҳам шундан далолат беради. Аммо, уларнинг нияти амалга ошмайди. Грузия халқи мамлакатни махфия тўдалари бошқаришига йўл қўймайди. Эртами-кечми улар тарих ғилдирагининг қонуний айланишини тўхтатиб бўлмаслиги ҳамда Грузиянинг ҳеч қачон демократик тараққиёт йўлидан чиқмаслигини англашга мажбур бўлади.

Ёш грузин давлатининг кейинги уч йил мобайнида орттирган халқаро нуфузи ҳам менга ишонч бағишлайди. Давлатимизнинг халқаро ташкилотлар, минтақавий тизимлар ва икки томонлама давлатлараро алоқалардаги иштироки амалий ва яхши ният руҳи билан суғорилган. Бизнинг ташқи сиёсатимизнинг асосий тамойили — дўст орттиришдир. Шу ўринда ўн иккинчи асрдаёқ: «Дўст қидирмаган одам — ўзига ашаддий душман» деб ёзган буюк Руставелини эсламай бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, дўстларимиз мамлакатимиз оғир аҳволга тушиб қолган пайтда унинг оёққа туриб олишига ёрдам берди. Биз келажакда ҳам дўстларнинг қўллаб-қувватлаши, уларнинг халқларимиз ва бутун инсоният фаровонлиги йўлида қалин ҳамкорлик қилишга тайёр эканидан умидвормиз.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистонга ташрифимизга алоҳида эътибор билан қараймиз. Ўнлаб йиллар давомида шаклланган иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларимизга энди бугунги кун талабларига жавоб берадиган янги асос қўйишимиз лозим. Биз бугуннинг ўзидаёқ зарур ҳужжатларга имзо чекиб, бунга йўл очдик.

Назаримда, мамлакатларимизнинг жўғрофий ўрни уларнинг дунё миқёсида энергоресурслар ва коммуникацион алоқалар жойлашишининг қудратли тармоғини барпо этишни назарда тутадиган Шарқ-Ғарб иқтисодий тизимини тиклашда фаол иштирок этиши учун алоҳида имконият яратади. Бугуннинг ўзида Ўрта Осиё—Кавказ—Европа транспорт-коммуникация йўлини барпо этиш ғояси тобора аниқ шакл қасб эта бораётганини таъкидлаш мумкин. Шу муносабат билан яна шуни ҳам айтиш лозимки, бундай йўлни барпо этиш зарурати давр тақозосидир ва бу йўл ҳозирги мавжуд коммуникация йўллари билан рақобат қилмайди.

Яқин келажакда бу йўл мазмун билан бойиши — ундан юк, ёнилғи, ахборот ўта бошлашига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бундан ҳам муҳими эса, бу йўл тинчлик-тотувликда яшаб, дўстлар билан мулоқот қилишни истайдиган халқларни бирлаштиради.

Азиз дўстим Ислом Абдуғаниевич, мен чин юракдан Сизни ўзингизга маъқул пайтда Грузияга ташриф буюришни таклиф этаман. Гапимга ишонинг, Грузия халқи Сиздек азиз меҳмонга ўзининг меҳмондўстлигини намойиш этадиган пайтни сабрсизлик билан кутади.

* * *

Эдуард Шеварднадзе ўз нутқини меҳнаткаш ва меҳмондўст Ўзбекистон халқига, давлат раҳбари Ислом Каримовга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Грузия ва Ўзбекистон халқлари дўстлигига ривож тилаш билан якунлади.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Р. Шагаев олган сурат.

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистондаги коллектив тинчликни сақлаш кучлари қўмондони, генерал-лейтенант Валентин Бобришевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов иштирок этди.

(ЎзА).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига Саудия Арабистони подшоҳлиги халқи ва ҳукумати, шахсан ўз номимдан самимий табрикларим ва холис истакларимни йўллайман. Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эзгулик ва фаровонлик тилайман.*

*Сиз жаноби олийларига самимий саломлар билан*

*Биродарингиз,*

**икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**
**Фаҳд бин Абдулазиз ол САУД.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланаётгани муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларимни етказишдан мамнунман.*

*Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаати йўлида бундан кейин ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига ишончим комиллигини ҳам изҳор этмоқчиман.*

*Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилаб қолишга ижозат этгайсиз.*

**СУХАРТО,**
**Индонезия Республикаси**
**Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.*

*Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт, халқингизга эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.*

**Ҳофиз ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан Фаластин халқи, Фаластин Озодлик Ташкилоти, Фаластин Миллий Ҳокимияти ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига ва Сиз орқали оқил ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қалбий ва самимий истакларимни йўллаш шарафига муяссарлигимдан мамнунман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ниятларимни таъкидламоқчиман. Ишончим комилки, ушбу ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини рўёбга чиқаришдаги истакларимиз муштаракдир.*

*Яна бир бор ўз миннатдорлигим ва чуқур эҳтиромларимни изҳор этиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар халқингизга Сизнинг раҳбарлигингиз остида доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.*

*Чуқур ҳурмат билан*

**Йосир АРАФОТ,**
**Фаластин Давлат Президенти,**
**Фаластин Озодлик Ҳаракати**
**Ижроия Қўмитаси Раиси,**
**Фаластин Миллий Ҳокимияти Раиси.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланиши мен учун қувончли воқеадир. Шу муносабат билан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт, ўзбек халқига эса тинчлик ва хотиржамлик тилайман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, ишонч билдирмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам ҳар томонлама ривожланади, чунки бунинг учун бизда ўзаро хоҳиш ва интилиш мавжуддир.*

*Жаноби олийлари, менинг Сизга энг юксак ҳурматимни қабул этгайсиз.*

**Мирча СНЕГУР,**
**Молдова Президенти.**

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

***5 сентябрь куни Тошкентдаги Халқаро алоқалар миллий уюшмасида саноат ва технология сиёсатига бағишланган халқаро конференция иш бошлади.***

Конференция Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институти, Германия иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда техника соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимлар ва тадбиркорлар, шунингдек, Германиянинг 40 дан зиёд фирма ҳамда компания вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин нутқ сўзлади.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Ўзбекистонда саноат, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар. Немис тадбиркорлари Ўзбекистондаги иқтисодий янгиланиш жараёнлари ҳамда чет эл сармоялари учун бу ерда яратилган шарт-шароитларни ўрганадилар.

Конференциянинг очилиш маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА)

## ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

***5 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик» мавзуидаги семинар-кенгашда иштирок этувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар экспертларининг кенгаши бошланди.***

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган доимий семинар-кенгаш ўтказиш ғояси билан чиққан эди. Шу йилнинг июнь ойида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг Президентимиз номига йўллаган мактубида ушбу ташаббусни БМТ расмий равишда қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Шунингдек, ушбу ташаббусга Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам қизиқиш билдирди.

Шу боис мазкур анжуманда Марказий Осиё давлатлари, Туркия, Покистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Буюк Британия, Россия Федерацияси, Хитой, АҚШ ва Франция давлатлари вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Кенгаш иштирокчилари уч йўналишдаги — «Марказий Осиёда хавфсизликнинг ишончли тизимини яратиш», «Иқтисодий ҳамкорлик ва коммуникация инфраструктурасини яратиш» ҳамда «Экология хавфсизлиги ва инсонпарварлик соҳасидаги ҳамкорлик тизимини яратиш» каби масалаларни муҳокама этадилар.

Семинар-кенгашнинг очилиш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Унда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳам қатнашди.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

# ДАВР ТАЛАБ ЭТАЁТГАН ЯҚИНЛАШУВ

## *Бишкек учрашуви ҳақида баъзи мулоҳазалар*

***Олий даражада ўтган бу анжуманда туркий тилда сўзлашувчи халқлар ва давлатларни бир хил даражада тўлқинлантираётган муҳим муаммолар ва уларнинг ечими билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва Бишкек декларацияси қабул қилинди. Энг муҳими, саммит, бошқалар пуфлаб шишираётганидан фарқли ўлароқ, бошқа бирор давлат манфаатларига зиён етказмайдиган руҳда ўтди.***

Очиғини айтамиз, Бишкек учрашувида Президент Ислом Каримовнинг иштироки салмоқли ва илғорлик касб этди. Унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, қудратли ва салоҳиятли давлат барпо этиш, дунё цивилизацияси бешигини тебратган аждодлари анъанасини тиклаш, ранг-баранг ва мураккаб дунёда ўз ўрнини топиш йўлига кирган туркий тилли мамлакатларнинг бир қатор муаммоларни ушбу анжуман доирасида, биргаликда бартараф этиш юзасидан билдирган асосли фикр-мулоҳазалари ҳаммага маъқул тушди ва қўллаб-қувватланди.

Туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар раҳбарларининг ҳар бир йиғини, жумладан мана шу йиғин атрофида ҳам ҳар хил шов-шувлар кўтарилгани сир эмас. Қайд этилганидек, унга бирор-бир мамлакат манфаатларига зид келувчи блок тусини берувчилар ҳам топилади. Аммо Ислом Каримовнинг қатъияти билан анжуманда гап этник-маданий алоқа ва анъаналарни қўллаб-қувватлаш, минтақадаги иқтисодий муаммоларни биргаликда бартараф этиш, бу нотинч ва олағовур дунёда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг ўз ўрнини топишда ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштиришдек эзгу мақсадлар тўғрисида борди, ўзаро ёнбосишлар асосида музокара юритилди ва ҳеч кимнинг олдига алоҳида сиёсий талаблар қўйилмади.

Икки мамлакатнинг тил топиши қийин кечадиган бу ажаб дунёда иқтисоди ва салоҳияти турлича давлатларнинг аҳдлашуви ундан-да мушкулроқ бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам анжуманда иштирок этган ҳар бир раҳбар, аввало, ўз мамлакати олдида турган муаммоларни ўртага ташлади. Чунки бугунги дунёда бирор-бир мамлакатнинг ички муаммоларини ҳал этишда ташқи сиёсатнинг аҳамиятидан кўз юмиб бўлмайди. Саммит давомида давлатлар раҳбарлари ўз мамлакатларидаги бой табиий ресурсларни, биринчи навбатда газ ва нефтни дунё бозорида сотиш муаммоларини ҳам муҳокама қилишди. Бизга аёнки, Туркманистон ва Озарбайжоннинг газ ва нефтини Туркия ёки Эрон орқали Европага узатиш теварагида қизғин баҳс бормоқда. Анжуманда бу масалага бир қадар аниқлик киритилди, десак янглишмаймиз. Хусусан, Туркманистон ўз газини Европага Туркия орқали узатадиган бўлди.

Маънавий яқинлик Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг минтақавий ҳамжамиятини тузишга олиб келгани сир эмас. Бу ҳамжамият уларнинг бошқа давлатлардан ажралмай бозор муносабатларига ўтишда хатти-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилган. «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг кундан-кунга кенгайиб бориши мавжуд иқтисодий, минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга ёрдам беради.

Саммит давомида туркий тилли давлатлар раҳбарлари сармоя ва хизматларнинг эркин ҳаракат қилиши, ўзаро савдо-сотиқ ривожига тўсқинлик қилаётган ва чегаралаб қўяётган муаммоларни, суғурта ва банк ишини тартибга солиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Транспорт алоқалари, коммуникацияни бундан кейин ҳам жадал ривожлантириш чораларини кўришга келишиб олдилар. Маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун биргаликда ўқув юртлари ташкил этиш, фестиваллар ва маданият кунларини тез-тез ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Айни чоғда минтақада БМТ ва ЕХҲТ принципларига зид келаётган можаролар — Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги тўқнашувни БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ равишда тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушига ва тожик-афғон чегарасидаги тўқнашувларга чек қўйиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ушбу анжуманда қатнашган мамлакатлар халқларининг фаровон ва осуда ҳаёт кечиришига хизмат қилади. Шу ўринда Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган доимий семинарини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва мазкур семинар яқин кунларда Тошкентда иш бошлаяжагини эслаш жоиз. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари қўллаб-қувватлаётган бу анжуман санаб ўтилган муаммоларнинг ечимини топишда айнан минтақавий, қолаверса, умумжаҳон миқёсидаги ишбирлиги зарурлигини кўрсатмоқда.

Туркий тилли мамлакатлар президентларининг учинчи Бишкек учрашуви ана шундай қизғин фикр алмашувларга бой бўлди. Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик ривожи минтақада тинчлик, хавфсизлик ўрнатилишига, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши эътироф этилди. Бишкек учрашуви иштирокчилари, яъни давлатлар раҳбарларининг бир-бирларига бўлган хайрихоҳлик ва қардошлик кайфияти туркий тилли мамлакатлар халқларининг равнақига, Президент Ислом Каримов таъкид этганидай, бирлашиш омилига кўмаклашиши шубҳасиздир. Асрлар оша бақамти яшаб келган туркий халқларнинг ўз умумбашарий мақсадларини тезроқ рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари уларнинг бундан буён ҳам елкадош бўлишларини тақозо этмоқда.

Мазкур учрашув қирғиз халқининг эрксевар миллий қаҳрамони тарқоқ қабила уруғларни, барча туркий элларни якдиллик, ҳамкорлик ва биродарликка даъват этган, ҳар жиҳатдан қувватли давлат қурмоқ истаги билан ёниб яшаган Манас ботир ҳақидаги эпоснинг 1000 йиллик тўйи кунлари ўтгани билан эсда қоларли бўлди. Давлатлар раҳбарлари бу тўй муносабати билан ўтказилган тантанада иштирок этиб, узоқ-яқиндан келган барча меҳмонларга қарата у нафақат қирғизларнинг, балки ўз мамлакатлари халқларининг ҳам катта тантанаси эканини бот-бот таъкидладилар. Туркий тилли халқларнинг бундан кейин ҳам бамаслаҳат иш тутишида Манас, Алпомиш, Гўрўғли каби халқ қаҳрамонларининг руҳи поклари беқиёс мадад беришига умид билдирдилар.

Анжумандаги ишчан ва амалий вазият унинг тезорада самара беришига кишида ишонч уйғотади.

**А. ҲАЙДАРОВ.**

*Ўзбекистон қаҳрамонлари*

***Яқинда бир гуруҳ юртдошларимизга мамлакатимиз Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Мукофотланганлар орасида К. Мамажонов ҳам бор. Қуйидаги ҳикоямиз у киши ҳақида.***

# ЧЎЛДА ОЛТИН ТОПДИ



Мулла Мамажоннинг қарори қатъий эди:

— Мана мен биринчилардан бўлиб бутун оилам билан чўлга кўчиб бораман. Халқимиз не-не орзулар билан биёбонларни хиёбонларга айлантириш, водий Мирзачўли — Марказий Фарғонани поёнсиз пахтазорларга, болтомар боғларга айлантириш учун катта Фарғона каналини бунёд этди. Ота-боболаримиз минг йиллардан бери дилбар водийдаги бу чипта ямоққа сув келтиришни, ерларни ўзлаштиришни орзу қиларди.

Тошлоқнинг биқинида жойлашган Тожик қишлоғилик Мамажон акани кўпчилик элга қайишадиган, қишлоқнинг маросимларига жон киритиб юборадиган одам сифатида танишарди. Бирданига чўлга отланиб қолганидан кўпчилик ҳанг-манг.

Мамажон ака Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг Найман чўлига бир юмуш билан борганида бу ерга биринчилардан бўлиб келган Мўйдин тоға дард-ҳасратини тўкиб солди. Қишлоққа қайтган домланинг фикри-зикри чўлда бўлиб қолди: «Наҳотки, бир пайтлар минг машаққат билан ўзлаштирилган ерларда яна бўронлар увилласа». Кўнглига келган фикрини тенгдошлари Қурбонали, Орзимат, Абдуллажон, Мирзолим, Усмон акалар билан ўртоқлашди. Уларнинг кўпчилигига мулла Мамажоннинг таклифи маъқул бўлди. Баъзилар яккабош, баъзилар эса оиласи билан Найман чўлларига бориб ишлаш истагини билдиришди. Мулла Мамажон турмуш ўртоғи Холинисо опа ҳамда ҳали ёшига тўлмаган ўғли Комилжонни олиб, полутёркада чўлга равона бўлди. Ўшанда Фарғона каналига эндигина тўла сув келиб, баҳорги тошқинлар шошириб юрган қирқинчи йилларнинг эрта баҳори эди.

Шунинг учун ҳам ўзбек деҳқонлари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони»деган юксак унвонга сазовор бўлган Комилжон ака Мамажоновни тошлоқликлар ҳазил аралаш «Чўл боласи» дейишади. Бу иборада Комилжон аканинг алпомишдай қомати, кетмон бетидай келадиган кафтларига қарамай, доимо самимий кулиб туриши, кўзларининг болаларга хос самимият билан боқиши, ҳар нарсага куюнувчанлиги ўз ифодасини топган. Комилжон ака «Мен шўртепаларга эмаклаб чиқиб юришни ўрганганман, ҳали-ҳали лабимдан арзиқ тупроқларнинг дудмал таъми кетмайди» дейишида ҳам ўзига хос ҳақиқат, мана шу чўл ерларга бўлган чексиз муҳаббат, садоқат ётади.

Комилжон ака севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидаги воқеалар бизнинг қишлоқда кечган, деб юради. Чунки, мана шу Найман чўлини ўзлаштиришда, ҳозирги кунда икки минг гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилаётган Марозиқов номли жамоа хўжалигининг ерларини боғу-бўстонларга айлантиришда Тошлоқнинг деярли барча қишлоқлари вакиллари иштирок этган. Уларнинг ҳаммаси машҳур трилогиядаги қаҳрамонлар бизнинг ҳамқишлоқларимиз дейишади.

Комилжоннинг қадами ёқдими, ўша йили чўлдаги жамоа олтмиш гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ центнердан ҳосил олди. Тошлоқ тумани бўйича эса ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Бу юксак натижа туман партия комитетининг биринчи котиби Хорунбой Эрматов ва ижроқўм раиси Турғунбой Дадажоновлар кўксига Олтин Юлдуз қадади. Ўзбекистон тарихида туманнинг қўш раҳбари биринчи бор қўш қаҳрамон бўлгандай, оламга сиғмаган эди.

Мана, ўшандаги тилаклари бежиз кетмаган экан. Ўзбек деҳқонлари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Бу унвон, бу шараф мустақил юрт, келажаги порлоқ Ўзбекистоннинг чинакам олий мукофоти эди.

Комилжон аканинг ҳар нарсага қизиқувчанлиги, тарихни яхши билиши, отаси Мулла Мамажон домладан мерос бўлиб ўтган бўлса, меҳнатсеварлиги, бир ишни бошласа охирига етказмагунча, тиниб тинчимаслиги, бирор янгиликни эшитиб қолса, тунларни уйқусиз ўтказиши онаси Холинисо холадан юққан.

— 1967 йил ёзининг биринчи куни эди, — дея эслайди Комилжон ака. — Раис Холматжон ака уйимизга келиб, отам билан дала айлангани чиқиб кетди. Қайтишгач, отам раисга юзланиб «Холматжон, қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнади. Шунинг учун сиз Комилжонга ҳам қанот, ҳам қуйруқ бўлсангиз мен розиман» деди.

Ўша йиллари бригада бошлиғи Турсунбой Хилолов касалманд бўлиб, кўп вақти шифохонада ўтарди. Раис ташриф буюрган куни кечқурун дала шийпонида бригада аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Раиснинг таклифига биноан Комилжон бригадир қилиб сайланди. Бригада кичкина эмас, 75 гектар ерда деҳқончилик қилади. Элликка яқин аъзонинг тирикчилиги шу далада ўтади. Шуни ўйлаб Комилжон аввалига бироз чўчиди. Лекин, ёшлигидаги тиришқоқлик, тиниб-тинчимаслик, секин-аста турмуш тарзига айланиб борди. У билан эш бўлиб меҳнат қилган сувчи Муллажон Нуралиев, кетмончи дўсти Тожихўжа Эргашев, механизатор Собиржон Жўраев, табелчи Турғунбой Юсупов, Мелихон, Хосиятхон, Кундузхон сингари фаолларнинг ғайрати билан режа ошириб бажарилди. Гектаридан 23 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтарилди.

Шу-шу бўлди-ю, Комилжон Мамажонов эл оғзига тушди. Мана, салкам ўттиз йилдирки, бригадир. Айни кунларда Марозиқов номли жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган бригада бошлиқлари, раҳбарларнинг ярмидан кўпроғи ўзларининг Комилжон аканинг шогирди эканликларидан фахрланиб юришади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери бригадада ҳосилдорлик қирқ центнердан камайгани йўқ. Бригадага саркор қилиб тайинланганда 75 гектар ерда 50 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир 115 гектар майдондаги пахта, 23 гектар майдондаги бошоқли донни парваришлаш, йиғиштиришни 15 киши бемалол уддалаяпти.

Тракторчидан чиққан бригада бошлиғи ер илмини, деҳқончилик сирларини тўлиқ ўзлаштириб олди. Пахтачиликда қандай илғор технология бўлса, биринчи Комилжон аканинг даласида қўлланилиши одат тусига кирди. «Фарғона-3» навига кўпчилик хадиксираб қараса, Комилжон ака ҳамма майдонга шу нав уруғини қадади. Гектарига 25 килодан уруғ сарфланганда, кўпчилик «уддабурон бригадир адашди», деб ўйлаганди. Лекин, ер оби-тобида тайёрланиб, чигит агротехник муддатларда экилгани учун бехато униб чиқди. Ягана қилиш учун сарфланадиган ҳаражатлар чўнтакда қолди.

Тўрт йилдан бери ҳашаротларга қарши бирор кило заҳарли дори ишлатилгани йўқ. Биологик усулнинг шарофати билан ҳар кило соф азот ҳисобига нормадагидан 6 кило кўп — салкам 20 кило пахта етиштириляпти. Мутахассисларнинг айтишича, бу вилоятда энг юқори натижа.

Комилжон ака ҳамма соҳада ҳисоб-китоб бўлишини яхши кўради. 23 гектар майдонга экилган ғалладан 55 центнердан ҳосил кўтарилди. Доннинг 40 тоннага яқини бригада аъзоларининг ҳисобида қолди. Яқинда аъзоларнинг кўпчилиги унга эҳтиёж сезганида 10 тонна донни тегирмонда торттириб, аъзоларга бўлиб берди.

Ўтган йили бригаданинг ялпи пахта хирмони 461 тоннага етди. Бу режадагидан 170 тоннага кўп. Пул даромади 547 минг сўм бўлди. Бригада аъзоларининг ўртача даромади 20 минг сўмдан тўғри келди.

Комилжон ака умрининг салкам қирқ йилини бригадаси даласига туташ мавзеда ўтказди. Одамлар секин-аста хўжаликнинг марказий қўрғонига кўчиб кетишди. Чўлнинг ўртасида Комилжон ака оиласи билан салкам ўн йилдан ортиқ яшади. Уч-тўрт йил аввал қишлоқ марказига кўчиб ўтишга аранг кўндиришди.

Катта қишлоққа кўчиб келиши биланоқ Комилжон акани қўярда-қўймай маҳалла оқсоқоли қилиб сайлашди. У даладаги ишларидан ортиб бу юмушни ҳам эплаяпти. Туманда биринчилардан бўлиб Хонариқда маҳалла гузари ташкил қилди. Чойхона, сартарошхона, қассоблик дўкони, новвойхона, этикдўзлик устахоналари узлуксиз ишлаб турибди. Шу йилнинг бошида маҳалла аёлларининг таклифи билан тикувчилик цехини очишга бош-қош бўлди. Маҳалла ёнидаги цехда тайёрланаётган ғишт бутун хўжаликка етиб ортяпти.

Комилжон ака ҳар тонгни қадрдон даласида, бундан йигирма йил аввал ўз қўли билан эккан алп чинорлар соясида қарши олишни яхши кўради. Унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган кунда ҳам одатини тарк этмай, бомдод номозидан сўнг далага отланди. Уни олий унвон билан ўттиз йилдан бери камарбаста бўлиб кетаётган сирдош тенгдошлари Мамат бобо, Тожихўжа оталар биринчи бўлиб табриклашди. Сувчилар Раҳматжон ва Мардонали, механизаторлар Ҳамзабой ва Рустамжонлар, бригада аъзолари Ҳамидахон, Насибахон, Қаноатхон, Ҳақимахон, Турсунойлар эса худди ўзлари қаҳрамон бўлгандай қувонишди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Туркистон — умумий уйимиз.*

### ШИМОЛЛИКЛАР ҚИЗИҚИШИ

Европанинг Шимоли-Ғарбидаги Швеция ва жанубий ўлка — Тожикистон ўртасида не-не мамлакатлар ястаниб ётибди. Марказий Осиё қуёши нурига тўйиб етилган мева ва сабзавотлар довруғи ана шу узоқ мамлакатга ҳам етиб борган экан.

Шведлар вилоятнинг Ашт туманидаги Шайдон консерва ишлаб чиқариш корхонасига қизиқиб қолишди. Натижада, бу олис юртнинг «Тетро-ПАК» фирмаси ва Шайдон заводи орасида шартнома тузилди.

Шартномага кўра, хорижлик шериклар корхонада янги замонавий технологик линияларни созлаш ишларини бошлаб юборди. Кўп ўтмай, бу ерда тайёрланаётган 22 хил турдаги ёз неъматларидан фақатгина шведлар эмас, балки бошқа мамлакатлар ҳам баҳраманд бўлишади.

**Ўринбой УСМОН,**
**Хўжанд.**

*Иқтисодиёт қирралари*

# ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

***Қуйи Чирчиқ тумани маркази — Аскарликда бўлганмисиз? Мабодо йўлингиз тушиб қолса, албатта тўхтанг. Сўнгги тўрт йил ичида бунёд этилган иморатларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлашингиз аниқ.***

Кўчалар бўйида савлат тўкиб турган савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди. Буларни ким қурган деб ажабланманг. Албатта тадбиркорлар-да!

— «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимидан 50 минг сўм қарз кўтарувдим, — дейди Бобур фирмаси раҳбари Ускен Атемов, — шундан сўнг ишимиз юришиб кетди. 345 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, шунинг 200 минг сўмлиги тикиш-бичиш, гилам тўқишдан топилди. Энг муҳими, маҳсулотимиз туриб қолаётгани йўқ. Банкнинг пулни вақтида ўтказиб бераётгани боис ишчиларимизга маошларини бериб турибмиз. Ишимиз ҳам кун сайин ривож топаяпти.

**ЛИ Вячеслав, Наврўз жамоа корхонаси раҳбари:**

— Қарз олиш учун ариза бергандим. Уч кун ичида 150 минг сўмни ҳужжатлаштириб олдим. «Тадбиркорбанк» бўлимининг тез ишлаши менга қўл келди. Сармояга керакли ашёларни сотиб олдим. Шу кунгача аҳолидан ташқари тумандаги 30 дан ортиқ ташкилотларнинг ақсариятига маиший хизмат кўрсатдик. Бу юмушлардан олган даромадимиз бугун 920 минг сўмни ташкил этаётганини айтсам балки ишонмассиз...

**Шокир АБДУКАРИМОВ, Матбуот кичик корхонаси раҳбари:**

— Бугун иқтисодий қийинчилик баҳона матбаа маҳсулотларининг савдода кетиши, бу соҳада муваффақиятли ишлашига кўпчилик шубҳа билан қарайди, бунга бош қўшгиси ҳам келмайди. Банк бошқарувчисига маслаҳат солганимда у «ўзингизга ишонсангиз бас», деди. Қисқа фурсатда банкдан 100 минг қарз кўтардим. Аҳолига, ташкилотларга 310 минг сўмлик хизмат кўрсатиб қарздан ҳам қутулдик. Ҳозир буюртма билан қўшни туманлардан ҳам келишаяпти. Таклифнома борми, ташриф қоғози борми барини бажариб бераяпмиз.

Ҳамма гап банкка тақалгач, тадбиркорлар назарида яхши ишлаётган идоранинг фаолияти мени ҳам қизиқтириб қўйди. «Тадбиркорбанк» туман бўлими бошқарувчиси Маҳкам Кошановни кўришга ошиқдим. Дарвоқе, у банк соҳасида ишлаётганига ўн йилдан ошибди, молия ҳисоб-китобини яхши биларкан.

— Банк мижоз билан қудратли, — деди Маҳкам ака сўзида давом этиб, — улар муассасадан олган ссудани ўринли ишлата билса, тез оёққа туради. Халққа нафи кўпроқ тегади. Шу боис берилган қарзларнинг аниқ мақсадда ишлатилаётганини назорат қилиб бораяпмиз. Бугунга қадар 217 та мижоз ҳисоб рақами очган. Банкимиз фаолият кўрсата бошлагандан буён 40 нафар мижозга 2 миллион 871 минг 300 сўмлик қисқа муддатли қарзлар берилди. Айни пайтда қарзларнинг вақтида ундириб олиниши учун 12 нафар ходим жалб этилган. Бундан ташқари ҳар ойда мижозлар билан суҳбатлар ўтказиб, молиявий муаммоларни ечишга кўмаклашаяпмиз.

Онда-сонда ҳисоб-китоб рақами бўла туриб банк орқали фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар ҳам чиқиб қолаяпти. Уларнинг рўйхати тузилиб, маълумот туман ҳокимлиги, солиқ идорасига вақти-вақти билан етказиб турилади. Ҳокимлик ўнлаб молиявий қонунни бузган идоралар фаолиятини тўхтатди.

Банк ходимлари фермер хўжаликлари билан қандай ишлашнинг йўлини топишди. Очиғи, юртимизни бой қиладиган одамлар айни шу фермерлар бўлади. Бироқ улар орасида шунчаки ҳавас билан иш бошлаганлари ҳам йўқ эмас. Булар узоққа боролмайди, ўзиниям, банкниям, раҳбарларни ҳам қийнайди, унга берилган ернинг умри ҳайф кетади. Астойдил киришган фермерлар эса эртанги кунимизни яратишади. Ҳамманинг умиди ана шулардан. Туман раҳбарларининг эътибори уларга бўлакча, банк ҳам фидойи фермерларга доимо кўмак бераяпти. Бироқ кўпчилик банкирлар фермерларни банк орқали фаолият кўрсатмасликда айблайдилар. Бу унчалик ўринли эмасга ўхшайди. Негаки, уларнинг ҳисоб-китоб қилиши йилига бир-икки бор бўлади, етиштирган ҳосилига қараб. Банк бўлимида деҳқон-фермер хўжаликларининг сони 19 тага етди, улар олган қарзларни шу йилги ҳосилдан узишмоқчи. Бу пуллар фоизи билан келиб тушса, даромаддан идора биносини таъмирлашу қўшимча бино қуришда қўл узун бўлиши тайин.

Албатта,шароит яхши бўлмаса, техника воситаларини унумли ишлата олмаган банкирларнинг замондан орқада қолиши тайин. Шу боис вилоят раҳбарларининг ёрдами билан ҳозиргача банк биносини қуриш-таъмирлаш ишлари учун 249 минг сўм маблағ сарфланди. Бугун банк бўлимининг ғазна бўлинмасини давлат талаби бўйича қуриш керак, бунинг учун келажакда 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш режалаштирилаяпти. Ана шу ишлар битса мижозларга хизмат кўрсатиш яна осонлашади. Айни пайтда янги бино қуриш лойиҳаси тайёрланмоқда, ижрочи ташкилот ҳам топилди.

**ОҒА БЕК,**
**А. АЛИҚУЛОВ.**


Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз,

Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!





"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.

"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.

"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.

*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*

" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:

*Тошкент, 700060, Мовароуннаҳр кўчаси 19*
*Тел (3712) 360148,335578*
*Тел/факс (3712) 338471*
*Сотувчи ҳамкорларимиз:*
*Тошкентда «Ибн Сино» дорихонаси (3712) 442434, 404483*
*«Фармед» дорихонаси (3712) 479890, 479894*
*«Жўрабек» дорихонаси (3712) 456040, 454146*
*Самарқандда «Нуриюсуф» дорихонаси (3662) 354190*
*Фарғонада «Фарҳод — А» дорихонаси (3732) 243582*
*Андижонда «Жень-Шень» дорихонаси (37422) 56272*
*Наманганда «Сирожиддин табиб» дорихонаси (36922) 34584.*

